

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда олий ва ўрта махсус таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган давр мобайнида иқтисодийнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда янги, шу жумладан, етакчи хорижий олий таълим муассасалари ташкил этилди, замонавий ўқув босқичлари жорий этилиб, талаб юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар Ватанимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, юрт раънақи йўлида муносиб ҳисса қўшувчи малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифалардан бири этиб белгиланмоқда.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини янада оши-

риш, тизимдаги муассасаларнинг сифатли фаолият юритишини таъминлаш орқали юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Қуйдагилар **Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида касбий фаолият йўналишида замонавий билим ва малакага эга, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда чет тилларини ўзлаштирган кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш;

барча олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ўқув-педагогик ва илмий-услубий, шунингдек, уларда мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва

даражасининг давлат таълим стандартлари ҳамда малака талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

замонавий педагогик технологиялар ва ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш асосида ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда ўқитишнинг илғор шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни, мустақиллик ҳояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юқсак маънавий ҳоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этиш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

зиммасига юкланган вазифаларни самарали ва юқори профессионал даражада бажаришга қодир

раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини бундай мутахассислар билан таъминлаш, тизимли рағбатлантириш ишларини олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш, такомиллаштириб бориш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини ошириш учун шароитлар яратиш, жумладан, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўтатиш ташкил этиш, ўқув жараёнида хорижий олимлар, ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

илғор халқаро тажрибалар асосида таълим тизимини такомиллаштириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларини амалга ошириш, таълим соҳасида эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон "Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқаруви ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйдагилар **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий билим ва юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш;

идоравий мансублигидан қатъи назар барча олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув-педагогик ва илмий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифати, таълим мазмуни ва даражасининг давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мослигини таъминлаш;

таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш услубларини жорий этишнинг халқаро амалиётга мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технология воситаларини жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш;

иқтисодий тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа қорхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик ҳояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юқсак маънавий ҳоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоя ва мафқураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларини зиммасига юкланган вазифаларни юқори профессионал даражада бажаришга қодир раҳбар ва педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тизимли рағбатлантириш чораларини кўриш;

Давоми 2-бетда ➡

❑ Муносабат

Мустақилликка ҳар хил таърифлар берилади, унинг аҳамияти, қадрини улуглашга ҳаракат қилинади.



МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН СОДАТ

ҳар биримизнинг
ҳаётимизга мазмун
бағишламоқда

Мустақиллик – аввало ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берди, адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, ўз миллий давлатчилигимизни ривожлантиришга имконият яратди. Бир нарсга аёнки, бу бебаҳо неъматни ҳар ким ўз тақдирида тутган ўрни, ўз ҳаёти, оиласи мисолида англайди, ҳис этади.

Мустақиллик байрамини катта тайёргарлик билан кутиб олиш биз учун эзгу анъанага айланиб қолган. Чунки, бу байрам бутун миллат ва халқ тақдири билан боғлиқдир. Байрам арафасида босиб ўтган йўлимиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларни кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиий.

... Эсимда, ўшанда биз мактаб ўқувчиси эдик. Аммо, бошқа хотин-қизлар қатори биз ҳам мажбуран дала ишларига жалб қилинардик, пахта теримига чиқардик.

Эрта саҳардан то қош қорайгунча даладан бери келмасдик. Ҳаттоки, ёш болали аёллар ҳам куннинг совуғи ва иссиғига қарамай, дала четидидаги дарахт шоҳига беланчак ичириб, унга чақалогини солганча, тиним билмай меҳнат қилишарди.

Давоми 3-бетда ➡

48 та ЯНГИ ХОНАДОН ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Қибрай туманининг Салар қўрғонидида ички ишлар органлари ходимларига янги хонадонлар топширилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

❑ Фамхўрлик



Унда вилоят ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, полковник Тоҳир Арипов, бошқарма бошли-

гининг маслаҳатчиси, генерал-майор Сайфулла Асадов, ички ишлар ходимларининг оила аъзолари, ма-

ҳалла фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

❑ Халқ билан мулоқот



Аввал хабар берганимиздек, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов ҳудудлар бўйлаб сайёр қабулларини давом эттирмоқда.

Навбатдаги сайёр қабуллар Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида ўтказилди. Вилоят бошқарма ва ташкилотлари, тегишли ҳудуд сектор раҳбарлари, прокуратура, ИИБ ҳамда муҳофазатчилар иштирок этган оммавий сайёр қабулларда юзга яқин фуқароларнинг муаммо ҳамда шикоятга тўғри ва тезкор ечим топилиди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ҲУДУДЛАР БЎЙЛАБ САЙЁР ҚАБУЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Муҳофазатчиларнинг аксарияти уй-жой қуриш учун ер ажратиш, имтиёзли кредит олиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, ичимлик суви таъминотидаги муаммолар, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш,

коммунал хўжалик, йўлларни таъмирлашга оид бўлди. Кўплаб муҳофазатчиларга жойида ижобий ечим топилиди, қолганлари бўйича масъулларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Давоми 3-бетда ➡

❑ Кўргазма

«БИЗ ҚЎҚОНГА БОРАМИЗ»



6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва тақлифларидан ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодийнинг реал секторидagi

таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларида меҳнат бозорида талаб этиладиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқишнинг ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда – Марказ) тугатилсин ҳамда Марказнинг бўшаётган штат бирликлари ушбу вазирликка ўтказилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Марказнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг идоравий бўйсунувига ўтказилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Метрологик назорат хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ-

◀ Бошланғич 1-бетда

лим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари ва улар тизимидаги касб-хунар таълим муассасалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими бўйича ягона давлат сиёсатини, шунингдек, олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўқув-тарбия жараёнига ташкилий ва методик раҳбарликни амалга ошириш юзасидан ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

5. Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 августдан бошлаб қуйидагиларни амалга ошириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра вазирлик бошқарув ходимлари лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффицентларини бир ярим барабар миқдорда қўллаш ҳамда бу билан боғлиқ қўшимча харажатларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Вазирлик марказий аппаратининг: фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенг-

лаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақиға – 30 фоиз;

фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга ходимлари ойлик иш ҳақиға – 35 фоиз устамалар белгилансин;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлиқнинг марказий аппарати ходимлари ойлик лавозим маошига олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида хизмат қилган умумий иш стажига учун 3 йилдан 5 йилгача – 10 фоиз, 5 йилдан 10 йилгача – 20 фоиз, 10 йилдан 20 йилгача – 30 фоиз, 20 йилдан ортқ – 40 фоиз ойлик устамалар тўлаш;

6. Республика олий ва касб-хунар таълими муассасаларида ўқиш учун хорижий фуқароларни кенг жалб қилиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари), касб-хунар таълими муассасалари директорларига бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда:

хорижий фуқароларни ўқитиш учун олий ва касб-хунар таълими муассасаларида алоҳида бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, касблар ва мутахассисликлар очиш, уларни ўқитиш тили ҳамда академик гуруҳ шакллантириш учун зарур талабалар (ўқувчилар) сонини белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларнинг касбий маҳорати сифати ва даражасини мунтазам ошириб бориши учун шароитлар яратиш, хорижий давлатларда малака ошириш ва стажировка ўташни ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, илмий адабиётлар электрон каталоги ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлаш, ҳамкорликдаги қўшма олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларини амалга ошириш, соҳада эришилган ютуқларни халқаро миқёсда кенг ёритиш;

иш берувчиларнинг эҳтиёжлари ва тақлифлари, илгор хорижий тажриба, иқтисодиётнинг реал секторидagi таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқишнинг ташкил этиш;

ўқув ва илмий лаборатория базаларини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, спорт-соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда – Марказ) тугатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти негизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Метрологик назорат хизмати негизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўқув устаноналари, техник регламентлар ва метрологик назорат хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари негизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ривожлантириш маркази негизда Ўзбекис-

◀ Бошланғич 1-бетда

тон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати тузилмасига олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ёшлар, маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритилсин.

5. Куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 119 нафардан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари, шунингдек, идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар тузилмасига белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ёки қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институти, таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, шунингдек, халқаро ва хорижий компаниялар юқори малакали мутахассис ва экспертларини консултант сифатида ишга жалб этиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа тўловлари миқдорларини шартнома асосида мустақил белгилансин ҳуқуқи берилсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) олий таълим муассасаларининг тузилмалари тегишли олий таълим муассасалари ректорлари (маҳаллий олий таълим муассасалари филиаллари директорлари) томонидан олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

б) давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг ректори (хорижий олий таълим муассасаси филиалининг маҳаллий ректори ёки директори, ижрочи директори) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбарининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

в) давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган олий таълим муассасасининг проректор-

лари (маҳаллий олий таълим муассасасининг филиали директори, унинг ўринбосарлари, хорижий олий таълим муассасаси директори ўринбосарлари) олий таълим муассасаси ректорининг тавсиясига асосан бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, бунда:

ўқув ишлари бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади;

г) олий таълим муассасалари: ҳузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари раҳбарлари, академик лицейлар директорлари, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

факультет деканлари олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касбий таълими ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошликлари, шунингдек, Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

е) касб-хунар таълими муассасалари:

директорлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

директорининг ўринбосарлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда касб-хунар таълими муассасалари директори томонидан, шунингдек, академик лицей директори ўринбосарлари олий таълим муассасаси ректори билан келишилган ҳолда академик лицей директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

8. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий таълим муассаса-

каслар ва мутахассисликлар бўйича таълим олиш истагида бўлган хорижий фуқароларни ўқитиш мuddати, давомийлиги ва уларни тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилансин ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Вазирлик билан биргаликда икки ой мuddатда тугатилаётган Марказ ходимларини иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

9. Вазирлик икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 июль

сида амалга оширилаётган қўшма таълим дастурлари, жумладан, қўшма факультетларда:

талабаларни қабул қилиш тартиби, тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ҳамда маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан келишув асосида;

ўқишга қабул қилиш параметрлари, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини тасдиқлаш ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади;

в) талаба-ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини кенг оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасалари спорт клубларини сақлаш, спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. 2022 йил 1 январга қадар:

олий таълим муассасалари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар доирасида олий таълим муассасалари ва улар ҳузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган китоблар, журналлар, ўқув адабиётлари, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасалари билан ўзаро келишув бўйича қўшма дастурлар (факультетлар ва академик дастурлар) ҳамда филиаллар (марказлар) шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйган чет эл олий таълим муассасалари уларнинг Ўзбекистон Республикасида амалга ошираётган олий таълим фаолияти доирасида олинган даромадлари бўйича барча турдаги солиқлар, шунингдек, чет эллик ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод этилсин.

13. Вазирлик:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низомини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодий ҳаётни янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтатилган юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинадиган ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишнинг шарти ҳисобланади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охириги 12 ойда қарид қилинган товар-моддий заҳираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисобга олинадиган;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиладиган ой

◀ Бошланғич 1-бетда

бошланишидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

3. Қуйидагилар:

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси:

а) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифларни киритсин:

чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда қарид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш ("tax free") тартибини белгилаш;

солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб физи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи "инвестициявий солиқ кредитлари" институтини жорий этиш;

солиқ тўловчи – юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор унга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар тўғри-

сидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, уни жарима суммасининг қолган қисмини тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллаш мақсадида ялпи тушумининг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга (бўлиниш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва бошқалар) чек қўйиш чораларини қўриш, мазкур ҳолатлар аниқланганда тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасига давлат солиқ хизмати органлари томонидан тузатиш киритиш ва уларни суд тартибда ундириш механизмларини жорий этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини берадиган, солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда – Ягона ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда "UzTrans" ягона интерактив ахборот тизими базасида қуйидагиларни таъминлайдиган "Юк ташишлар мониторинги" ахборот платформасини (кейинги ўрин-

ларда – Ахборот платформаси) ишлаб чиқишни таъминласин;

юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (счёт-фактура (инвойс), юк хати ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказиш;

юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Ягона ахборот тизимидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маълумотни қўллаган даврида текширилмайди;

юк ташувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини Ахборот платформасида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда:

ҳўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин;

онлайн назорат-касса машиналари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариб бериш тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган тақлифлар киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб:

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги (KPI) кўрсаткичларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, мукофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимини жорий этсин;

Савдо-саноат палатаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан биргаликда инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсадида "Чекни талаб қил ва совға ютиб ол" оммавий акциялари ўтказишини ташкил этсин;

в) Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сиёсатли ишлаб чиқишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин ҳамда Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доира ва хорижий экспертлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан кенг жалб этган ҳолда жойларда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 10 июль

ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ҲУДУДЛАР БЎЙЛАБ
САЙЁР ҚАБУЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ САЙЁР
ҚАБУЛИ

масалалар юзасидан фуқароларга тушултириш берилди.

Паркент туманидаги сайёр қабул ҳам самарали ўтди. Унда шу пайтгача ҳал этилмаган муаммоларга ечим топилди.

– Ҳокимимиз сайёр қабул ўтказганлиги эшитиб, "Навбахор" маҳалласи аҳолиси номидан мурожаат қилиб келдим, – дейди Муҳаббат Холназарова. – Муаммоларимиз шундаки, маҳалламизда сизот суви чиқиб кетгани ҳаммамизни ташвишга солган. Шу

сабабли, бошқа бирор хавфсиз ҳудудга кўчиб ўтишимиз керак. Бу ҳақдаги тақлифни билдириб туман ҳокимлиги ва бошқа идораларга кўп мурожаат қилдик. Афсуски, ижобий натижага эриша олмадик. Бугунги сайёр қабулдан сўнг мурожаатимиз ҳал этиладиган бўлди.

Ойбек номли маҳалладан Умиджон Тўйчиев туризм йўналишида кураётган меҳмонхонасини жиҳозлаш мақсадида 1 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит олишда ҳокимдан ёрдам сўради. Номданак қишлоғидан М. Насибованинг чорва моллари боқиб учун қуриладиган ферма биносини расмийлаштириш масаласидаги, У. Ғуломовнинг Паркент сойидан шағал олиш учун ўтказиладиган аукцион ҳақидаги, М. Бобоевнинг ўтган йилда қурилиш режалаштирилган кўп қаватли уйлар "Қишлоқ қурилиш инвест" томонидан сансалорликка солиниб, бугунга қадар тугалланмаганидан норози бўлиб қилган шикоят ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Паркентдаги сайёр қабул давомида билдирилган мурожаатларнинг деярли барчасига жойида ижобий ечим топилди. Вақт талаб этиладиган мурожаатларга қисқа муддат билан масъуллар бириктирилди. Вилоят ҳокимлигида мурожаатлар ижроси муҳокама этилиши белгиланди.

Ўз мухбири
Зиёвуддин ХОЛИҚОВ
Абдуғани ЮСУПОВ
олган суратлар

МУСТАҚИЛЛИК
БЕРГАН САОДАТ

ҳар биримизнинг ҳаётимизга мазмун бағишламоқда

сўзлаб берсам, гапларимга ишонқирамай, худди эртак эшитаётгандек термулиб туришди. Лекин, бу ҳақиқат! Биз мустақилликдан олдин ана шундай оғир кунларни бошимиздан кечирганмиз.

Шукрлар бўлсинки, бу азобларнинг барчаси ортда қолди. Инсон қадри улуғланди, аёл зотиға эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун бир қўлида бешикни, бир қўлида дунёни тебратиш бахтига сазовор аёлларнинг ҳаётдан хурсанд юз-кўзларига қараб, замонавий таълим-тарбия масканларида вояга етаётган бахтли болаларни кўриб, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан, киши. Биз, ўша оғир кунларни бошидан кечирган, юрагидан ўтказган авлод эрксизлик, қарамлик нима эканини, мустақил бўлиб ишлаш ва яшашнинг қадрини ёшларимизга янада кенгроқ тушултиришимиз, уларнинг қалбига етиб боришимиз керак.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган шу кунларда халқимиз мустақилликнинг имкониятлари, қадри ҳақида фикр-мулоҳаза юритмоқда, тинчликка шукрона айтишмоқда. Қарорда "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш кераклиги белгиланган.

Шунингдек, қарорда охириги йилларда юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти,

Дарҳақиқат, қарорда билдирилган фикрлар ҳар бир юрtdошимизни истиқлол берган имкониятлар ҳақида яна бир



бор чуқур ўйлаб кўриш, тинчлик ва осойишталигимизни асраб-авайлашга ўндайди. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг фаол иштирок этиши айниқса, муҳимдир. Демак, аҳоли орасида олиб бораётган ишларимизда шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, бугунги ва кечаги кунни аниқ ва ҳаётий мисоллар орқали таққослаб, мустақилликнинг чексиз неъматлари ҳақида, охириги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида тушултириш олиб боришимиз зарур.

Агар фарзандларимиз мустақил замонда халқимиз бошига қандай кулфатлар солингани, одамларнинг турмуш даражаси қандай оғир бўлганини билса, истиқлолнинг қадрини, аҳамиятини чуқурроқ тушуниб етдиладлар. Ёш авлодга бунини тушултириш бизнинг вазифамиз, бурчимиздир.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
ЎзХДП вилоят
кеңашчи
раиси

◀ Бошланғич 1-бетда

Учрашувларда вилоят ҳокими раҳбарларга одамларнинг мурожаатларини кутмасдан ишлар белгиланган режа асосида йўлга қўйилиши лозимлиги, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳар бир раҳбарнинг кундалик иши бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, Юқори Чирчиқ тумани, "Навбахор" маҳалласи Дилноза Мирзакулованинг "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури бўйича иссоқхона қуриш мақсадида 21 миллион сўм кредит олишга амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилиб, ҳал этилди. Навоий номи маҳалла фуқароси Шохиста Маҳмадованинг Наманган вилотида доимий рўйхатда туриши, турмуш

ўртоғининг уйига рўйхатга ўтишда ёрдам сўраб қилган мурожаатига шу ернинг ўзида ечим топилди. Қўшимча ўрганиш талаб қиладиган



◀ Бошланғич 1-бетда

48 та ЯНГИ ХОНАДОН
ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда ҳуқуқ тартибот органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш каби долзарб масалаларга катта эътибор берилаётганини таъкидлашди.

Охириги йилларда мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Қайд этиш жоизки, Ватанга садоқат билан хизмат қилаётган ходимлар янги хонадонлар, автомобиллар, маиший техника ва пул муқофотлари билан тақдирланмоқдалар. Жум-



ладан, шу кун 48 нафар ички ишлар ходимиға замонавий хонадонларнинг калити топширилди. Бунинг яққол исботидир. Янги тураржой биносини



"Гранд омад" МЧЖ бунёдкорлари қуриб битказишди. Маросим иштирокчилари қурилиш ташкилотининг раҳбари Муҳаммаджон Турсунбоев ҳамда участка бош-

лиги Эркамирза Қосимовга миннатдорлик билдиришди. Уларга Ички ишлар вазирлиги номидан ташакурнома топширилди.

– Янги хонадонда яйраб яшаш учун барча шaroитлар мавжуд, – дейди вилоят пост-патруль хизмати ва жамоа тартибини сақлаш бош бошқармаси ходими Насиба Пулатова. – Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ошхона, шинам айвон фарзандларимга жуда ёқди. Соҳа ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрлик учун барча ҳамкасбларим номидан раҳмат айтаман.

Тантанали маросим иштирокчиларига Ички ишлар вазирлиги Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Ҳамидулла
УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Бирор буюмни сотиб олаётган вақтимизда сифати ва кафолатини суриштирамиз. Бу табиий. Ахир, ҳеч ким эртага чув тушишни истамайди. Ол(аёт)ганингиз унча-мунча жиҳоз ё маиший техника эмас – уй-жой бўлса-чи? Устига-устак, у ипотека кредити эвазига харид қилинган бўлса-чи? Хонадон эгаси қарздан тезроқ қутулиш мақсадида емай-ичмай, фарзандлари ризқини қийиб, ойлик кредит тўловлар-

ни аранг тўлаб бора-ю, сотиб олган уйи, ҳатто, бир йил ўтмасдан яроқсиз ҳолга келиб қолса, дардини кимга айтади? Бошига шундай савдо тушган юртдошларимиздан бири – вилоятимизнинг Қуйичир-чиқ тумани, "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини, 9-хонадонда яшовчи фуқаро Эргаш Хўжаев ҳам шу каби саволларга жавоб то-полмай ҳалак...

Э. Хўжаев бундан олти йил муқаддам қишлоқдаги олти сотихли, намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлардан бирини 15 йиллик ипотека кредити эвазига сотиб олганди. Шартномага биноан қурилиш ишлари 2013 йилда тугалланиши ва хонадон эгаси ўз уйига қўчиб кириши керак эди. Аммо...

"Ҳафсаламни пир қилди"

– Икки томонлама шартномада кўрсатилганидек, уй-жойимиз 2013 йилнинг охиригача қурилиб, фойдаланишга топширилишини кутиб, кун санадик, – дейди Э. Хўжаев. – Ҳар ҳолда бу кунларга етгунча озмунча машаққат чекдикми? Ижарама-ижара юришлар, сарсон-саргардонликлар ниҳоясига етаётганидан, ўз уй-жойимизга эга бўлаётганимдан бошим осмонда эди. Ўзимча уй-жойим вақти-соатида рисоладагидек топширилади, деб хотиржам юраверибман. Лекин, хурсандчилигим узоққа чўзилмади. "Қишлоқ қурилиш инвест" вилоят филиали икки томонлама шартномани кўпол равишда бузиб, уйни айрилган муддатда топширмади. Ҳеч қандай хат-ҳужжат ҳам бермади.

Шу тарихи орадан икки йил ўтди. Бу орада инвестнинг вилоят филиали бош муҳандиси мен ва қўшиларимдан гарчи қурилиш тўлиқ якунланмаган бўлса-да, ўз хонадонларимизга қўчиб киришимизни сўради. Қолган камчиликларни узоғи билан уч кунда ҳал этиб беришни ваъда қилди. Шу ваъдаларга ишониб, қурилиши якунланмаган уйларга қўчиб кирдик. Аммо... Мана, орадан беш йил ўтаётган ҳафсаламни пир қилди. 2015 йилда чалакам-чатти топширилган уйга ҳозиргача сарфлаган маблағимга ўзим бошқа жойдан бундан

яхшироқ уй қуриб олсам бўларди.

Э. Хўжаевнинг тахририятимизга мурожаати бўйича, унинг уйига бордик. Вазиятни кўздан кечирдик. Хонадон эгасининг гапирганича бор экан. Деворлар ёрилган, поллар тешилган. Ён девор ҳимоя шиферлари ўрнатилмаган. Хуллас, қирққа ақин камчилик бор. Камига жорий йилнинг июнь ойида кузатилган кучли шамол уйнинг том қис-

– дея сўзида давом этади Эргаш Хўжаев. – Уйимиз аввал бошидан сифатсиз қурилгани боис шамолга дош беролмай, томи учиб кетди. Меҳмонхонадаги шифтнинг бетон плиталари синди. Хуллас, уй бутунлай яроқсиз аҳволга келиб қолди. Шундан сўнг Факулдада вазиятлар вазирлигига хабар бердик. Улар хонадонимизни кўздан кечириб, бу ерда ортиқ яшаб

лиги мутасаддилари, на ўша қурилиш ташкилотидан бирортаси хабар олган. Ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи кураганидек, Э. Хўжаев оиласи билан қаерга бош уришни билмай, сарсон-саргардон.

Шу ўринда бир ҳақли эътироз туғилади...

Хонадон эгасининг бошига туш-

молчининг наинки ҳуқуқларини таъминлаш, балки ҳаётига даҳл қилиши мумкин бўлган муқаррар ҳавфга эътибор шуми? Масалани ўз вақтида ечим топиш учун бирор фожиа юз бериши шартми?

Ҳўш, маҳалла, ҳокимлик, ҳудудга бириктирилган сектор раҳбари, туман прокурори, айниқса, "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси нега бу масалани ҳали-ҳануз пайсалга солиб

НАМУНАЛИ УЙНИНГ «НАМУНАЛИ» КАМЧИЛИКЛАРИ



мини таг-туғи билан учуриб юборган. Бундан ҳам аянчлиси, катта хонанинг шифтидаги бетон плиталар синиб кетган.

Фуқаронинг айтишича, мутасаддилардан ҳа деганда садо чиқавермагач, 2017-2018-йилларда Виртуал қабулхонага мурожаат йўллаган. Афсуски, бу мурожаатлари ҳам ижрочиларга келгач, "ўрнатилган тартибда" қўриб чиқилган. Яъни, қаергаки мурожаат қилмасин, бари бефойда кетган.

Том учиб кетибди-ю, мутасаддилар жим

– "Камбағални туянинг устида ит қопади", деганларидек, июнь ойида рўй берган кучли шамол тудайли муаммоимиз икки ҳисса ортди,

бўлмаслигини, вақтинчалик бошқа жойга қўчишимиз кераклигини айтишди. Маҳалла фаоллари билан бирга уйимиз авария ҳолатига келиб қолгани ҳақида акт тузилиб, инвестга топширилди. Хуллас, қоғозда бажарилиши керак бўлган ишларнинг барчасини қилдик. Аммо, амалий ишга келганда ҳали-ҳануз бизга ҳеч қандай кўмак берилмапти. Орадан бир ой ўтди. Ҳеч бир натижа бўлмади. Ёмғирли кунларда томдан чакка ўтиб ётди. Вақт ўтган сари ёриқлар кенгайяпти. Мутасаддилардан эса дарак йўқ.

Гувоҳи бўлганимиздек, мазкур мурожаат юзасидан иш фақат қоғозда "ўрганилган". Орадан қарийб бир ойдан ортиқ вақт ўтапти ҳамки, авария ҳолатига келиб қолган хонадондан на туман ҳоким-

ган ташвишдан маҳалла, ҳокимлик, "Қишлоқ қурилиш инвест" вилоят филиали мутахассисларининг хабари бор. Аммо, улар негадир бу вазиятга мутлақо лоқайд қарашмоқда. Ёки бу ерда биз билмайдиган бирор сир борми? Ахир, мазкур уйда бугун уч нафар вояга етмаган бола улғаймоқда. Ёрилган деворлар, синиб кетган бетон плиталар бир кун уларнинг устига қулаб тушмаслигига ким кафолат беради? Умуман, фуқаро, яъни тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган истеъ-

келмоқда? Ахир, яна тақрор таъкидлаймиз, хонадон эгаси зиммасига юклатилган талабларни сўзсиз бажариб келмоқда-ку! Нега бу ташкилот ўз мажбуриятини бажармапти?

Мендан кетгунча, эгасига етгунчами?

Мазкур хонадонга борганимизда ён-атрофдаги уйларни ҳам кўздан кечирдик, хонадон эгалари билан суҳбатлашдик. Уларнинг аксарияти "Қишлоқ қурилиш инвест"

P.S: Бугун Президентимиз бизга баландпарвоз гаплар, мактовлар, қуруқ рақамлар эмас, сифат керак эканини бот-бот таъкидламоқда. Ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар олдига қуруқ рақамлар ортидан қувмасдан, фаолиятида амалий ишга ва сифатга эътиборни кучайтириш талабини қўймоқда. Шундай экан, "Қишлоқ қурилиш инвест" мутасаддилари сифатсиз бажарган ишлари одамлар ишлари нозилигига сабаб бўлаётганини қачон англаб етишади? Улар билан ҳамкорлик қилаётган пудратчи-қурилиш ташкилотлари-чи? Мазкур саволларга тегишли ташкилотлар мутасаддиларидан жавоб кутиб қоламиз.

Тахририят бу мавзуга яна қайтади.

Гуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

Агар табиат қўйнида ёки дала ҳовлида тунамоқчи бўлсангиз, бахтга қарши, чивинни қувадиган турли кимёвий воситаларингиз ва электр мосламаларингиз бўлмаса, энг яхши ҳимоячи ўзимиз билган пашшахонадир. Баликчилар ёки табиат

метикадан фойдаланишдан тийилин. Тана эса имкон қадар қуруқ бўлгани маъқул. Оч рангларда, табиий матодан кийим кийишга ҳаракат қилин. Чунки, тўқ ранглар чивинни ўзига жалб этади. Имкон қадар енгил узун ва кенгрок либосда ухлаган маз-

ловчи ва топиш осон бўлган энг яхши воситадир. Айниқса, дала шароитида ёки балик овида саримсоқпиез жуда қўл келади. Уни қирғичдан чиқариб ёки бирор нарсга билан майдалаб, озгина сув аралаштириб, тананинг очиқ жойларига сур-

долчин (корица) кабилардан фойдаланиш мумкин. Агар уйингизда бундай мойлар бўлмаса, мазкур ўсимликларни қайнатиб, озгина тиндириб, сўнг қайнатмани тана ва кийимларга сепса ҳам бўлади. Бундан ташқари, ўзидан кучли ҳид таратадиган гулларни қўллаш фойда беради.

Ўзбекистон шароитида ялпиз дярли барча жойларда ўсади. Шундай экан, ялпиз, шунингдек, ҳар бир ҳовлида ўсадиган райхондан чивин ҳайдашда фойдаланиш мумкин.

Дарвоқе, чивин қаққанда пайдо бўладиган қичишишни йўқотиш ҳақида ҳам тўхталаск. Аввало, чивин қаққан жойни қаттиқ тирнаб қашламанг. Сабаби, тирналган жой баттар қичишиши, бу жойга инфекция тушиши мумкин. Чивин қаққанда қичишишнинг олдини олиш ва ўша жойни зарарсизлантиришда сирка ёрдам беради. Мато, доқа ёки пахта бўлаги узум ёки олма сиркасида намланиб, зарарланган жойларга суртилади. Шунингдек, салицил кислотанинг кучсиз спиртли аралашмаси жуда фойдалидир. У чивин қаққан жойни зарарсизлантиради, қичишиш, қизариш ва шишини йўқотади. Бу аралашмани сирка каби қўллаш керак.

Қичишишга қарши ҳар хил мазлар, истеъмол содасидан тайёрланган паста, чой дарахти мойи, ҳатто тиш пастаси ҳам жуда қўл келади. Улар тананинг зарарланган қисмига суртилади.

Агар чивин жуда кўп қаққан бўлса, шифокорга учраш ёки дорихонадан "Антигистамин" препаратини олиб ичиш фойда беради.

Еш оқшомларингиз осуда ўтсин!

Ш. ШУҲРАТОВ
тайёрлади


СОКИН ОҚШОМЛАРМИ Ё ЧИВИН ТЎЛА КЕЧАЛАР?

Ёз оқшомлари нақадар фараҳли. Бироқ, бу осуда фаслнинг чивин тўла кечалари ҳам бор... Ҳар дардининг давоси бўлганидек, чивиндан ҳалос бўлишнинг ҳам минг бир табиий йўллари бор. Қуйида мана шулар ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Дарвоқе

ошуфталари орасида махсус тикилган пашшахоналардан фойдаланадиганлари кўп. Шунингдек, пашшахонани қўлбала қилиб тайёрлаш ҳам унча кўп харажат талаб қилмайди.

Шуни билингки, ҳар қандай хид чивинларни ўзига жалб этади. Атир ҳиди, тер ҳиди, тана ҳарорати, организм ишлаб чиқарадиган сут кислотаси ҳиди – буларнинг барчаси чивинларни чакиради.



Мутахассислар чивин кўпаядиган мавсумда банан ва таркибида калий мўл бўлган бошқа маҳсулотлар истеъмолдан тийилишни маслаҳат беришади.

Чивин қачмаслиги учун турли-туман хид таратувчи кос-

кул, Акс ҳолда чивиннинг ниш-тари кийимингизни осонгина тешиб ўтади.

Хўжалик со-вунни чивиндан ҳимояланишнинг энг оддий воситаларидан бири. Уни қирғичдан ўтказиб, бир пивала иссиқ сувда эритиб, баданга суртилса, чивинни қочиради. Нашатир спирти, кўпчиликка таниш бўлган "Звездочка" балъами, сирка ҳам чивин захридан қутулишнинг ёрдам беради.

Ваниль хиди чивинни ҳайдайди, деган фикрлар мавжуд. Бу тўғри. Шунинг учун ваниль экстракти ёки ваниль хидли атирни тананинг очиқ қисмига суртиш ёки сепиш керак.

Саримсоқпиезнинг ўзига хос ҳиди бор. Очиги, ундан фойдаланиш кимларгадир ноқулайлик туғдириши мумкин. Лекин, бошқа илож қолмаганда, у чивиндан ҳимоя-

тиш керак. Икки бўлак саримсоқ еб олиш ҳам зарар қилмайди. Биринчидан, соғламлиққа фойда. Иккинчидан, танангиз чивинни "қўчитадиган" ўзига хос қобиққа эга бўлади.

Кайфиятни кўтарадиган, кишини хотиржам қиладиган ажойиб ифорга эга эфир мойидан фойдаланиш чивиндан сақланишнинг энг ёқимли усулидир. Бунинг учун эфир мойини озгина арақ ёки дис-тилланган сувга аралаштириб, бутун тана ва кийимларга сепиб чиқилса, чивин яқинингизга йўламайди. Шунингдек, бир неча томчи эфир мойини тананинг очиқ қисмига суртиб қўйса ҳам бўлади.

Чивинни ҳайдашда лаванда, ялпиз, эквалипт, чой дарахти, кедр мойлари, шувок,

Мутахассис маслаҳати

МАНА БУНИ «ЧИЛЛА» ДЕЙДИЛАР

Бу йил ўлкамизда ҳаво ҳарорати кўп йиллик даражадан юқори бўлиши кузатишмоқда. Айниқса, чилланинг қоқ ўртаси бўлиши шу кунларда мам-

лакатимизга кириб келган аномал иссиқ сабаб, ҳаво ҳарорати кундуз кунлари 43-45 даражагача кўтарилапти.

Бундай жазирама иссиқда агар зарурат бўлмаса, кундуз кунни кўчага чиқмаслик керак. Жазирама иссиқдан сақланиш учун бир қатор тавсияларга амал қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Жазирамада ҳавони яхши ўтказадиган, бадандаги терни шимиб оладиган, қуёш нурини қайтарадиган, кенгрок кийим кийган маъқул. Оқ рангли

оқибатида турли касалликлар ривожланишига, офтоб уришига олиб келиши мумкин.

Офтоб урганда дармон қуриб, бўшашиб кетиш, пульснинг тезлашиши, бош оғриши, айланиши, терининг айрим жойларида



матолар иссиқ ва қуёш нурини қайтариш хусусиятига эга. Уйдан чиққан пайтда, айниқса, болаларга бош кийим кийдириш ёки қуёшдан сақловчи соябондан фойдаланиш ва кўзойнак тақиш тавсия қилинади.

Ҳаво ҳароратининг мунтазам равишда кўтарилиши организмнинг мослашуви жараёнини издан чиқариши ва тананинг қизиби кетиши

қизаришлар пайдо бўлиши мумкин.

Бундай ҳолат юз берганда офтоб урган одамни тезда салқин жойга олиш, баданини хўл сочиқ билан ўраш, салқин ичимлик бериш, терининг қуйган жойларига қатиқ суртиш лозим.

Иссиқ пайтларда овқатланишга ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Овқатлар эн-

гил ҳазм бўладиган, суюқ таомлардан иборат бўлиб, кўпроқ қатиқ, мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Ёғли таом ва ширинликларни камроқ еган маъқул, чунки улар тананинг қизиби кетишига олиб келади. Чанқокчи қондириш учун кўк чой ва лимонли чой ичиш лозим. Кўк чой ўзигадаги фойдали моддалар ҳисобига инсонга куч бағишлайди, шу билан бирга чой таркибидаги моддалар касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни ўлдириш хусусиятига ҳам эга.

Мутахассисларнинг кузатишича, ёз фаслида одам танаси кунига ўрта ҳисобда 4-5 литр сув ва 20-30 гр. туз йўқотар экан. Унинг ўрнини қоплаш учун кунига оз-оздан 3-4 литр сув ичиш тавсия этилади.

Ҳабибулло РАСУЛОВ,
Занғота тумани тиббиёт бирлашмаси саломатлик маркази раҳбари

□ Хизмат

Биз техника асрида яшаймиз. Ҳозир ҳаётимизни телекоммуникация воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабдан, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали томонидан ҳам телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш борасида қўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, компания

Муқимий номли маҳаллада ҳам кичик ҳажмли станциялар ўрнатилиб, ушбу қурилмалар орқали жами 5 мингга яқин аҳолига vDSL, IP-TV ҳамда юқори тезликдаги интернет хизматла-

Жорий йилда "Обод қишлоқ" дастури бўйича виллоятнинг 45 та қишлоғида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Танлаб олинган қишлоқларнинг 13 тасида маҳаллий алоқа тармоғи ва линияли кабель хўжалиги мавжуд. "Ўзбектелеком" АК томонидан 2019 йил "Обод қишлоқ" дастури доирасида 38,5 км. оптик толали алоқа линиясини ташкил этиш, 1 минг 792 портга тенг қурилмаларни ўрнатиш режалашти-

Колаверса, "Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва қишлоқ жойларида 2015-2019 йилларда замонавий телекоммуникация хизматларини жорий этиш ва инфратузилмасини янада ривожлантириш" Давлат дастури бўйича ҳам қўламли ишлар бажарилди. Жумладан, виллоятимизга умумий ҳажми 21 минг 936 портга тенг 85 донна MSAN қурилмалари ажратилди. Мазкур қурилмаларнинг 14 минг 128 ҳажмига тенг 36 донна аҳоли мурожаатларидан келиб чи-

Бугунги кунда республика ҳудудида фаолият юритаётган барча ижтимоий соҳа объектларига замонавий телекоммуникация хизматларини тақдим этишда оптик толали алоқа линияси қуриш юзасидан 2019-2021 йилларга мўлжалланган тармоқ графиги тасдиқланган бўлиб, виллоятнинг туман ва шаҳарлари кесимида "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2019 йил якунига қадар жами халқ таълими тизимидаги 381 та объектга 1 минг 805 км., мактабга таълим йўналишидаги 271 та объектга 969 км., соғлиқни сақлаш соҳасининг 156 та объектга 536 км. оптик толали алоқа линияси қуриш режалаштирилган.

Филиал томонидан ҳозирда халқ таълими тизимидаги 245 та объектга 281,87 км., мактабга таълимнинг 234 та объектга 116,19 км., соғлиқни сақлаш соҳасининг 72 тасига 44,52 км. узунликдаги оптик толали алоқа линияси қуриш ишлари бажарилган.

Кези келганда шунинг айтиши керакки, Бўқа туманидаги 49 та умумтаълим мактаби, 5 та бочка ҳамда 3 та шифохонада тест усулида юқори тезликдаги интернет тизими ишга туширилди.

Бўстонлиқ, Паркент, Оққўрғон, Пискент ва Бўқа туманлари ҳамда Ангрен шаҳрининг аҳоли гавжум жойлари, истироҳат боғлари ва туризм объектларида жами 19 та Wi-Fi ҳудуди ташкил этилган. Бу кўрсаткичи яхшилаш мақсадида келгусида Wi-Fi зоналарини янада кўпайтириб, аҳолини узлуксиз интернет билан таъминлаш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

□ Абитуриент – 2019

Хабарингиз бор, узоқ йиллардан буюн ҳарбий тавсияномага эга абитуриентлар учун тест синовларида махсус имтиёз тизими қўлланилар эди.

Унга кўра, ҳарбий тавсияномага эга абитуриентларга 2006-2011 йиллар мобайнида максимал баллнинг 25 фоизи (56,7 балл), 2012-2016 йилларда максимал баллнинг 27 фоизи (61,2 балл), 2017-2018 йилларда ўзи тўплаган баллнинг 50 фоизи миқдоридан имтиёз қўлланди. Бунинг натижасида, тавсиянома олмаган абитуриентларнинг ҳуқуқлари ўз-ўзидан чекланар эди.

ҲАРБИЙ ТАВСИЯНОМАГА ЭГА АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ БОР?

Ўтган йили сентябрь ойида Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов ҳарбий имтиёз масаласи қайта кўриб чиқилишини ваъда қилганди.

Шундан сўнг, 2019 йилги Давлат дастурида (<http://lex.uz/docs/4168749>) ҳарбий тавсияномага эга шахслар ўртасида ўтказиладиган танлов учун алоҳида квоталар ажратиш тартиби жорий этилиши белгиланди, бу ҳақида махсус қарор лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди ва нихоят, расман тасдиқланди ҳам.

Унга кўра, ҳарбий тавсияномага эга абитуриентлар учун алоҳида 5 фоизлик квота белгиланди. Энди тавсияномага эга абитуриентлар, энг аввало, ўша квота доирасида ўзаро беллашади, ўзгаларга ҳалақит қилмайди. Масалан, Тошкент тиббиёт академиясида 66 та ўрин ажратилган, шундан 25 таси грант, 41 таси контракт (бу умумий рақам, йўналишларга ҳали ажратилмаган).



ТТАга жами 200 нафар ҳарбий тавсиянома олганлар топширди, дейлик. Ана шу 200 нафар абитуриентнинг тўплаган баллари аввал алоҳида ажратиб олинади ва улар орасида энг юқори балл тўплаган дастлабки 25 киши грантга, кейинги 41 нафар киши контрактга қиради.

Ушбу 200 нафар абитуриент орасидан 66 та махсус квотага қира олмай қолганлар нима бўлади? Улар кейин умумий танловга қўшилиди, яъни тавсияномаси йўқлар билан курашади, агар бали етарли бўлса, талаба бўлади, яъни 66 талик жой тўлиб қолгани учун қўйиб қолмайди;

Бу тизимнинг яхши томони – энди ҳеч кимга қўшимча балл берилмайди, ҳамма ўз билими етган баллни тўплайди. Яъни, эндиликда максимал балдан юқори тўплаш ҳолатлари ҳеч қачон кузатилмайди. Масалан, ўтган йили максимал балл 189 бўлса ҳам, Юридик университетда ҳарбийлар ҳисобига бюджетнинг охириги бали 223,5 бўлганди.

Бу тизимнинг ҳарбий тавсияномага – эга абитуриентлар учун ҳам фойдали томонлари бор.

Биринчидан, маълумки, тавсияномага эга шахсларнинг барчаси ҳам юқори балл олавермайди. Шунинг учун энди улар камроқ балл олиб ҳам бюджетга ёки контрактга кириши мумкин. Масалан, ТТАда оддий абитуриентлар гуруҳида грант – 165, контракт – 148 балл бўлди, дейлик. Юқорида айтилганидек, ҳарбий тавсияномага эга абитуриентлар учун дастлаб алоҳида танлов бўлади. 200 та ҳарбийларнинг натижалари сарҳисоб қилинганда, дастлабки 25 киши 130 балл тўплади, дейлик. Демак, ҳарбийлар 130 балл билан грантга қабул қилинади. Контрактда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади.

Иккинчидан, илгари тавсиянома фақат тест синовлари учун ўтар эди, ижодий имтиҳонларга имтиёз берилмасди. Янги тизимда эса махсус квота ижодий имтиҳон талаб этиладиган ОТМларга ҳам берилди. Бу дегани, эндиликда тавсиянома олганлар мана шу йўналишда ҳам имтиёзга эга бўлишмоқда.

Умуман олганда сиз ҳам, қабоб ҳам қуймайдиган тизим бўлибди.

Дарвоқе, ҳарбийлар учун 5 фоизлик квота барча ОТМларда ҳам йўқ.

Феруз КОМИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари академияси катта ўқитувчиси

"WI-FI" ҲУДУДЛАРИ КЎПАЯДИ

2017-2018 йилларда виллоятнинг чекка ҳудудларига "Кенг полсалли тармоқни ривожлантириш дастури" асосида жами 7 минг 2 портга тенг 54 та кичик ҳажмли "mini MSAN" қурилмасини ўрнатди. Ушбу станциялар энергия тежамкорлиги, ташқи манбадан автоном равишда максимал 4 соат давомидан узлуксиз ишлаши, бир пайтнинг ўзидан оптик портлар орқали юқори тезликдаги замонавий GPON технологиясида аҳолини кенг полсалли интернет билан таъминлаш имкони мавжуд. Масалан, Қўйичирчиқ тумани, "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғинига 128 портга тенг "mini MSAN" жойлаштирилган бўлиб, ҳозирда 98 та абонентга хизмат кўрсатмоқда. Шундай қурилмалар Бекобод, Охангарон, Ўртачирчиқ ва Паркент туманларининг айрим маҳаллаларига ҳам ўрнатилган.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар Депо мавзеси, Ипак йўли ҳудудлари ва Бекобод шахридаги

ри тақдим этилмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан ёшларга эътиборни кучайтириш, маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлиқни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича беш муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Мазкур ташаббуслар ихроси доирасида, яъни ёшларни компьютер саводхонлигига ўқитиш, уларга замонавий ахборот коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш кўникмаларини сингдириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўртачирчиқ, Бўқа, Пискент ва Оққўрғон туманларида рақамли технологияли ўқув марказлари ташкил этилиб, компьютер саводхонлигига ўқитиш учун тегишли қурилмалар билан жиҳозланди.



рилган. Шунингдек, линияли кабель хўжалиги мавжуд 13 та боғламаларда иншоотларни тартибга келтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, дастур доирасида бугунги кун ҳолатига жами режадаги ўрнатилиши лозим бўлган 11 та Ўзюбайл БСларининг 9 таси белгиланган ҳудудларда ишга туширилди.

қиб, чекка қишлоқларга ўрнатилди.

Ҳозирда филиал мутахассислари томонидан қолган 49 та MSAN қурилманинг монтаж-созлаш ишлари якунланмоқда. Уларни Охангарон, Оққўрғон, Бекобод, Бўқа, Юқоричирчиқ, Қўйичирчиқ, Бўстонлиқ туманларининг телефонлашмаган ҳудудларида ишга тушириш мўлжалланган.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат таъминлашнинг жорий этилиши таъминлаш ҳамда солиқлар ва боғжона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш

мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сонли «Солиқ ва боғжона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони қабул қилинди.

□ Хабарингиз борми?

Ушбу Фармонга кўра:

2019 йил 1 августдан бошлаб, ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши мумкин; календарь йили давомида хизматларни реализация қилишдан олган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи суммасидан 25 фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотадиغان юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдаги тушумнинг миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади; б) товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик

субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт;

в) қуйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёзлар бекор қилинади:

асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси; соя данаги, қунгабоқар ва қунжут уруғлари, мойли хом ашё ва шакар хом ашёси; қишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар,

материаллар ва технологик асбоб-ускуналар;

г) юридик шахсларнинг тижорат банкларида жойлаштирган маблағларидан фойз қўринишида олинган тўлов манбаини фойда солиғидан



озод қилиш бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади;

2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортқ қишлоқ хўжа-

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари тақдоран қўйилмоқда: 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 515-сонли қарори ва "Янги Ангрен ИЭС" АЖ 05.07.2019 йилдаги №ИХ/1701-сонли хатига асосан "Янги Ангрен ИЭС" АЖ балансида бўлган Тошкент виллоят, Охангарон тумани: 1. Ўзбекистон ҚФЙ., "Булоқ" маҳалласида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 907,10 кв.м., бошланғич нархи – 2 096 979 022 сўм бўлган "Чашма" дам олиш оромоғи. 2. Ўзбекистон ҚФЙ., "Булоқ" маҳалласида 0,07 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 325,45 кв.м., бошланғич нархи – 126 443 845 сўм бўлган Нон ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари. 3. Ёнариқ ҚФЙда 0,68 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 927,68 кв.м., бошланғич нархи – 673 000 837 сўм бўлган музлаткич бино ва иншоотлари. 4. Ёнариқ ҚФЙда 2,24 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 3 283,23 кв.м., бошланғич нархи – 2 506 202 287 сўм бўлган

омборхона бино ва иншоотлари.

Аукцион савдолари 2019 йил 29 июль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 29 июль кунини сотилмаган тақдирда, тақдорий савдолар 2019 йил 14, 29 август, 13, 30 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатал келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов қорози билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқ-

лайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; Талабдорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси белгиланган санадан бир иш кунини олдин тўхтатилади. Савдо ёлибига аукцион савдоси натижалари бўйича ёлиблик баённомаси имзолангандан сўнг сотувчи билан олди-сотида шартномасини имзолаш мажбурияти оқлатилади.

Закатал пулини тўлаш учун реквизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001, МФО 01132, СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298.

«Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДУК

Тошкент виллоят ҳудудий бошқармаси 2020 йил ҳосили учун уруғлик дон етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари ва агро кластерлар ўртасида тендер ўтказишини эълон қилади!

Тендерда иштирок этиш истагини билдирган фермер хўжаликлари ва агро кластер раҳбарларининг аризалари туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари биносидан 2019 йил 13 июлдан 13 августга қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: +99897 420-19-63, +99890 174-82-28. Факс: +99871 255-37-64.

Паркент туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2019 йилда Хамидова Сугдиёна Шокиржон қизига 11-синфни таъомлагани тўғрисида берилган УМ № 0200656-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент виллоят бошқармаси Чирчиқ шаҳар давлат хизматлари маркази директори Санжар Имомалиевга падари бузруккори

МИРЗОҲИД отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Кўргазма

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида ташкил этилган вилоят тадбиркорларининг "Биз Қўқонга борамиз" шиори остидаги кўргазмаси ҳар сафаргидан бошқача, ноанъанавий тарзда ўтди.

Уни баҳолаш учун нуфузли ҳайъат тайинланмади. Номинациялар белгиланмади, голиблар аниқланмади. Ва табиийки, ташкилотчилар – вилоят ҳокимлиги,

заргарлар, кулол ва ҳайкал-тарошларни кўриш мумкин. – Маълумки, жорий йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида мамлакатимизда илк бор



«Биз қўқонга борамиз»



Хунарманд уюшмаси ва Савдо-саноат палатасининг вилоят тузилмалари фаол иштирокчиларни тақдирладилар.

Аҳоли орасида кенг қизиқиш уйғотган кўргазмада вилоятимизнинг туман ва шаҳарларидан келган 60 дан зиёд хунармандлар ўз буюмлари билан қатнашдилар. Уларнинг орасида қосиб ва ёғоч усталари, тикувчи ва

"International Festival of handicrafters Kokand – 2019" халқаро хунармандлар фестивали бўлиб ўтди, – дейди Хунарманд уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Динмухаммад Машарипов. – 200 дан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирок этадиган бу нуфузли анжуманда вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган хунармандларни саралаб олишнинг ўзи

бўлмади. Бундан икки йил аввал уюшмамиз аъзолари сони 958 та бўлса, бугунга келиб улар 2 минг 200 тадан ошиб кетди. Уларнинг ҳар бири ўз маҳсулотлари билан турли кўргазмаларда иштирок этишга муносибдилар. Лекин, бугун кўргазма аъзоларига кўра, 60 нафар хунармандни Қўқон халқаро фестивалида иштирок этиш ҳаваси қилди.

Дарҳақиқат, кўргазмадаги аввал уюшмамиз аъзолари кўпчиликини ҳайратга солади. Кейинги икки йилда халқ амалий санъатига, хунармандлар фаолиятига мамлакатимиз раҳбари томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Уларга берилган солиқ имтиёзлари, банк кредитлари олишдаги қулайликлар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил

этишдаги энгилликлар, уй шароитида меҳнат қилиш имкониятлари шулар жумласидир. Шу боис, соҳада уста-шогирд аънаъаси ривож топди. Хунармандлар сони кескин ошди.

Халқаро фестивалга боғлиқ рағбатлар орасида ёғоч ўймақори, қибрайлик уста Шавкат Юсупов ҳам бор. У кўргазмага Президент совғаси – "Спарк" автомашинасида келди. Хунарманд "Ташаббус – 2019" республика кўрик-танловининг голиби бўлган эди. Устанинг қўл меҳнати билан ёғочдан ясалган лавҳ, лаган, шахмат тахталари, турли қутичаларни иштирокчилар завқ-шавқ билан кўздан кечирдилар.

Олмаликлик Шоҳида Султонованинг оддий темир парчаларидан ясаган зебу-гардонлари, зирагу узуклари, мунчоғу тасбехлари, тиллақошлари бир неча бор халқаро кўргазмаларда эътироф этилган. Бу сафар ҳам хунарманд аёл ясаган маҳсулотлар сержиллиги билан кўпчиликини ўзига ром этди.

Кўргазма ташкилотчилари маҳсулотлар ранг-баранглигини таъминлаш йўлида ҳали кўп ишлаш керак, деган хулосага келишди. Орадаги вақт ана шу мақсадга сарфлангани бўлди. Зеро, интилушу изланишлар хунарманд-усталарнинг муваффақиятларини таъминлаш шубҳасиз.

Ўз мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

Бугун соғломлаштириш Болалар ёзи

оромгоҳлари болаларнинг энг сеvimли масканига айланган. Шаҳар шовқинидан узоқда, тоза ҳавода мириқиб дам олиш, табиат қўйнида янги дўстлар билан танишиш, улар билан худди опа-сингилдек яшаш, ота-онамизни соғиниб қадрига етиш, шу билан бирга, мушакл ҳаётга илк қадам ҳам оромгоҳдан бошланади, аслида.

ҲАМ ДАМ ОЛАМИЗ, ҲАМ КИТОБ ЎҚИЙМИЗ



Бўстонлик тумани, Янгикўрғон қишлоғида жойлашган "Шарқ" НМАКга қарашли "Фазогир" болалар соғломлаштириш оромгоҳида болалар учун яратилган шароитларни кўриб, қувондик. Бу ҳақда болаларнинг фикрини илҳом учун уларни суҳбатга тортидик.

– Бу оромгоҳга 5 йилдан бери келаман, – дейди Малика Қурбонова. – Бу ернинг об-ҳавоси ва шароитлари менга ёқди. Жуда мазмунли ва мароқли дам олаёلمиз. Анчагина тўлишиб қолдим, сабаби, ошпаз опаларимиз тайёрлаган таомлар мазали.

Оромгоҳда болаларнинг хавфсизлиги таъминлангани ҳамда тиббий хизматнинг яхши йўлга қўйилгани жуда муҳим. Ахир, ота-оналар болаларидан хотиржам бўлишлари керак-да.

– Оромгоҳимизда болаларни нафақат дам олдириш, балки турли тўғаракларга жалб этиб, вақтларини самарали ўтказишга ҳаракат қиламиз, – дейди оромгоҳ раҳбарининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мунира Раҳимова. – Бундан ташқари, болалар билан юртимиздаги тарихий обидалар, урф-одатларимиз, одоб-ахлоқ, театр ва кино намоёндалари ҳақида давра суҳбатлари ташкил этмоқдамиз.

Эзи таътил китоб мутлоаси учун мос палла. Оромгоҳда каттагина кутубхона болалар ихтиёрига бериб қўйилган.

– Болалар орасида китобсеварларнинг кўпчилиги бизни жуда қувонтирди, – дейди оромгоҳ кутубхонаси бошқарувчиси Надежда Гузалбаева. – Кутубхонамиз доим гавжум. Болалар асосан, эртаклар, Ўзбекистон тарихи, фантастика мавзуларидаги китобларни кўп ўқишади ва ўқиганлари асосида расм чизишади. Бу уларнинг дунёқарашини кенгайтиради. Дам олишга келган боланинг китоб мутлоаси билан машғул бўлиши бизнинг катта ютуғимиз.

Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети талабаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзил:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почталар: thaqiqat@uam.uz // th-tp@inbox.ru

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терили ва Тоҳир Маҳмуджонов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Алломат АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ

Буюртма V-3594. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз қичими А-2. 4 518 нусхада чоп этилди

ISSN 2010-9318.

“ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.30.

«ТОНГ» ҚҲЙНИДА ЗАВҚЛИ ОНЛАР

Айни кунларда Пискент туманида жойлашган "Олмалик кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятига қарашли "Тонг" соғломлаштириш оромгоҳи ҳам болалар билан гавжум. Бу ерда дам олаётган 245 нафар боланинг ҳар куни мазмунли ва таассуротларга бой ўтаётти.



Жорий йилги мавсумда оромгоҳда 4 босқичда 900 нафарга яқин ўғил-қизни соғломлаштириш режалаштирилган. Мазкур масканда бунинг учун етарли шароитлар мавжуд. Масалан, замонавий усулда барпо этилган сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари, 754 та китоб фондига эга кутубхона, ошхона болалар ихтиёрида. Шунингдек, тасвирий санъат, инглиз тили, моҳир қўллар ва рақс тўғараклари йўлга қўйилган. Ушбу тўғараклар болаларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш билан бирга уларнинг дунёқарашини кенгайтириб, ижодий

қобилиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.

– Оромгоҳдаги қисқа фурсат ичида болалар ҳам мароқли дам олиб, ҳам бирор янги машғулотга одатланишлари учун ҳаракат қилаёلمиз, – дейди оромгоҳ раҳбари Зухра Маҳкамова. – Шу мақсадда 24 нафар малакали педагог ва тарбиячи жалб қилинган. Шунингдек, ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ олишлари, ўз истеъ-

додларини намойиш этишлари учун турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказаямиз.

Оромгоҳни айланар эканмиз, бир томонда расм чизаётган, бошқа тарафда рақс тушаётган ёки сузиш ҳавзасида маза қилиб чўмилётган болаларни кўрдик.

– Таътил кунларимиз жуда мароқли ўтаётти, – дейди олмаликлик Муслима Ўрозалиева. – Дўгонларим билан кутубхонадан китоб олиб ўқиймиз, қизиқарли тадбирларда қатнашамиз, хуллас, ҳаммаси ажойиб. Энг муҳими, бу ерда жуда кўп дўстлар оттирдим.

Зухриддин КАМБАРОВ
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар



Нусрат Баракаев котибаси дамлаб қўйган қайноқ чойдан ҳўллаб, хона бурчагига қўйилган телевизорда машҳур хонанда қўлаётган қўшиқ оҳангига тебраниб, гоҳ ўзи ҳам қўшилиб хиргойи қилиб ўтирганди.

– Ассалому алайкум, Нусрат Баракаевич, – дея сочларини устарада қирдирган, пастак бўйли, семиз гавдали бош ҳисобчи Шодиев юмалаб келаётган тарвуздай хонага кириб келди.

– Ваалайкум ассалом, келинг. – Кайфиятингиз яхшими, хўжайин.

– Яхши, хўш нима эди?

– Яхши кайфиятингизни бузмокчи эмасдим. Лекин, айтмасам бўлмайди.

– Нима гап ўзи? Тушунтириб-роқ гапирсангизчи?

– Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасидан яна тўловнома жўнатишибди, – деди Шодиев чап қўли билан кўзойнагини тўғри-

лаб, ўнг қўли билан қоғозни бошлиққа узатар экан. – Тозалаш иншоотимиз ишламаётганлиги учун яна жарима солишибди. – Тўловдик шекилли, – деди бошлиқ, сигарет тутунини бурқситганча телевизордан кўз уз-

– Жарима. – Нима қилишимиз керак? – Шундан сўрагани кирдим. – Тўлаймиз, вассалом. Бўлмаса улардан қутулиб бўлмайди, биласиз-ку. – Тўғри-ку-я, қачонгача шунақа

ЖАРИМА

май.

– Ўтган чоракда 200 минг сўм тўлагандик. Энди 500 минг сўм жарима ёзишибди.

Телеэкрандан кўз узмай рақс томоша қилаётган Баракаев бу гапга парво ҳам қилмади.

– Анавини қаранг... Ўйинни қийворади шу қиз. Қаранг, қаранг, қийирламаган ери қолмайди-я.

Рақс тугаб халқаро аҳвол шарҳи бошланди.

– Хўш, нима деяётгандингиз?

қиламиз. Бирор чорасини кўриш керакмикин...

– Э-э, қизикимиз, 500 минг сўм бизни миллионер қорхонага нима деган гап.

– Шунақа-ю, тозалаш иншооти қурилиши орқага сурилиб кетаётгани чаток бўлапти-да.

– Бўлади, ҳаммаси бўлади. Сабр қилсанг гўрадан ҳалво битур, деган машойиллар.

– Манавини шахсан ўзингизга

юборишибди. – Нима экан бу? – Атроф-муҳитни ифлослантираётган қорхона раҳбари сифатида жарима тўларкансиз. – Қанча экан? – бирдан ҳушёр тортди Баракаев.



– Энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдориди. Баракаевнинг авзойи бузилди, кўзлари пирпираб, ўнг бети уча бошлади.

– Минг марта айтганман сенларга, бу аҳволга чидаб бўлмайди, деб. Шунча маблағни қаердан оламан?

– Ахир, ўзингиз...

– Гапимни бўлма, – дея столга муштлаб сенсирашга ўтди бошлиқ. – Қаллани ишлатишларинг керак эди. Ҳамманг бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Бор, қурилиш бўйича муовин Эркаевни топ. Тозалаш иншооти қурилишини тезлаштирсин, масалани ҳал қилмагунча иккаларинг ҳам Ғазимни қўрималаринг...

Шодиев талмовсираб чиқиб кетди. Баракаев ўйлиниб қолди.

– Энг кам иш ҳақининг уч баравари эмиш, шунча пулни қаердан оламан?..

Экранда жилдираб оқаётган зилот сув, қирғоқда шамолда тебраниб турган қийғос очилган гуллар кўринди. Баракаев жаҳл билан ўрнидан турди ва ... телевизorni ўчирди.

ҲАБИБ СИДДИК

Эълон

"TASVIRIY OYINA" TAKLIF QILADI

BANNER, ORAKALGA CHOP ETISH

ОБЪЕКТЫ БУКВЫ

СВЕТОВОЙ КОРОБ

ВИТРИНЫ

99 888 86 54
91 355 01 54